

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС»


Давлат уюшмаси



Энг улуғ, энг азиз байрам — Мустақилликнинг

12 йиллиги

билан барча ўзбекистонликларни муборакбод этади.
Йўлингиз ҳамиша равон, манзилингиз ёруғ бўлсин.



Биз узоғингизни яқин қилиш,
манзилингизга эсон-омон етказиб қўйиш-
да кеча-ю кундуз сиз билан камарбаста-
миз. Мустақил Ўзбекистон янада
гуллаб-яшнайверсин, юрт обод,
эл тинч ва фаровон бўлсин!

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Хиёбон

ҲУРЛИКНИНГ ГАВҲАР ТОШИ

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА билан суҳбат

— Мустақиллик шодиёналари яқинлаб келаяпти. Бу туйғунинг Сизнинг ижодингизга таъсири...

— Мустақиллик қуёшдай, бир фаровон қуёшдай ўткир нурлари билан элимизни, дилимизни ич-ичларигача ёритди. Тилимиздаги, дилимиздаги тугунларни ечди. Биз аста-секин атрофимизга аланглаб бўлса-да, эркинроқ гапира бошладик. Ёза бошладик. Чунки қафасдаги шерними, йўлбарсними, бирдан қафасдан чиқариб қўйинг-чи, қай ҳолатга тушади. Бу ҳолат инсонгаям ёт эмас.

Халқимиз бу йўлда озмунча азият чекдими, оз мунча қурбонлар бердими?

Бугунгиларнинг энг муқаддас вазифаси бу мустақилликнинг гавҳар тошини тил остида сақлаб бўлса-да асраб қолиш, бу жавоҳир тошни бирор қиррасигаям заҳа етказмай ўз йўлининг давомчилари — фарзандларига топширишдан иборат.

Инсон аталмиш хилқатнинг бу ўтар дунё, ёруғ дунёдаги қиладиган ишлари, вазифалари кўп. Бу вазифа, яъни болаларнинг эртанги эрки, озод кунларини асраш, бугунги оталар, оналарнинг долзарбдан долзарб, муҳимдан муҳим вазифасидир.

“ОЗОДЛИКНИНГ ҚЎЛЛАРИ”

Онанг каби ўзинг билан
Уни олиб юр
Боланг каби бир қадам ҳам
Кетказма нари
Бу дунёни фақат
Унинг билан баҳам кўр
Мангу, қўлларингга туташ
Турсин қўллари.
Дунё бир кам, ҳар хил келар
Аллоҳнинг куни.
Бош устингда бир кун қайғу
Бир кун гуллар шон.
Онасиз ҳам, боласиз ҳам
Яшаш мумкин-у,
Озодликсиз яшаш
Мумкин эмас ҳеч қачон!

— Одамлар орасида меҳр-оқибат камайиб боряпти, — дейишяпти. Бу ҳолатнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Ҳа, ҳар доим шундай. Нима камаяётган бўлса, шу ҳақда гап кўпайиб боради.

Аниқ рецепт беролмайман-у, аммо биз ҳар биримиз ўзимизни ва атрофимиздаги одамларнинг бу дунёда ғаниматлигини, бу умр деб аталмиш ип ниҳоятда мўртлигини, кутилмаганда чирт узилишини ва биз ёнимиздаги одамни тополмай қолишимиз ва ёнимиздаги одам бизни тополмай қолишини ўйлаб яшасак, бу ҳол камаярмиди? Отам Умматқул Худойберди ўғли қуйидаги сатрларни кўп таъкидлаб юрардилар:

Бир уйда неча жонсан,
Бир-бирингга меҳмонсан.

Бир гал Ёзувчилар уюшмасида Малака ошириш институти тингловчилари билан учрашувда Муҳаммад Юсуф ҳақида гап кетганда иззатли шоиримиз Абдулла Орипов шундай дегандилар: “Одам бу дунёда қанчалар ғаниматлигини тушунишимиз керак. Мен бугун болам тенги шогирдимдан айрилиб ўтирибман. Сиз ҳам, — дедилар тўлқинланган Абдулла ака залдаги ёшларга мурожаат қилиб, — мана бу улуғ зотларга тўйиб олинг. Тикилиб олинг”. У киши кўрсатган томон, минбарда бизнинг ҳурматли ижодкорларимиз, ёзувчиларимиз ўтиргандилар. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳар бир одамнинг бу дунёда ғаниматлиги — меҳмонлиги ёдда турса, оқибат бархам топмайди. Ўша куни йиғиндан кейин бир шеър қоралагандим. Мана ўша шеър:

КЕТДИ БИЗНИНГ МУҲАММАДИМИЗ...

Тўйиб олинг. Тикилиб олинг
Абдулла ОРИПОВ

Дилда қолди яхши сўз, достон
Қолаверди муҳаббатимиз.
Биз яхшироқ қараб олмасдан
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Сўзларини суйиб олмасдан
Бағримизга ўйиб олмасдан.
Кўзларига тўйиб олмасдан
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Онажони — қуриган оғоч,
Сингиллар бир тунда оппоқ соч.
Ғафлат босган дунё кўзинг оч,
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Тангрим, шукр, ўчмас хат бердинг,
Пирдай улуғ бир уммат бердинг,
Муҳаммад бердинг, Муҳаммад бердинг,
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Азаси ҳам баъзан байрам, тўй,
Ғурром дунё, ноғланмай бўй-бўй.
Бир сергаклан, бир силкиниб қўй,
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

Биз шошмадик, ҳеч улгурмоққа,
Бунда балки дил тўлгач доққа,
Жаннатдами... давр сурмоққа,
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз!

Дилда қолди яхши сўз, достон,
Қолаверди муҳаббатимиз.
Биз яхшироқ қараб олмасдан,
Кетди бизнинг Муҳаммадимиз.

— Ижодингиздаги ўктамлик, шиддатнинг илдизи қаерда? Нимада?

— Ҳар ҳолда одамнинг шаклланишида муҳит асосий рол ўйнайди, менимча. Отам Умматқулбой Худойберди ўғлидан дадиллик, бир сўзлилик, ҳалоллик, дарахтга, тупроққа муҳаббатни олган бўлсам, онам Қаршигул Хонназар қизидан аёлликнинг сирсиноатлари, рўзғор юритиш, тикиш, тўқиш дегандай... олган бўлсам керак.

Пойдевор қийшиқ қўйилган бўлса, девор охиригача қийшиқ қўйилганидай, нима бўлса, оиладаги муҳитдан бўлса керак, деб ўйлайман.

Онаизоримнинг қарсиллатиб қилич солиб олача гилам, патгилам тўқишлари, нафис гуллар солиб ироқи дўппилар, жияклар тикишлари ҳали-ҳануз кўз ўнгимдан кетмайди.

Отамнинг қироатини жойига қўйиб ўқиган достонлари, боғ айланганда, боғда иш қилганда, дарахтларни пайванд қилганларида

Айлансин қулинг
Чаккангда гулинг,

деб ширали, жарангдор овозда қўшиқ айтишлари... худди кечагидай қулоқларим остида жаранглаб туради.

ОТАМ МЕНИНГ...

Кузакларим, баҳорларим эрта келган,
Баҳорларда олқорларим эрта келган.
Куттмаганда бол, қорларим эрта келган,
Умматқулбой — эрта кетган отам менинг.

Қуш қавиқли тўпларини тўздирмай ҳам,
Довруқ солиб келганини сездирмай ҳам.
Сувларида ўрдак, ғозин суздирмай ҳам,
Тўхтаган сой — эрта кетган отам менинг.

Кўксин яралаб турса ҳам не нокас, кир,
Юкка елка тутаверган мисоли қир.
Минғта ўқдан чайқалиб ҳам умрида бир,
Тутмаган ёй — эрта кетган отам менинг.

Ў дўстлар-а, отам-ку ҳеч ёзғирмаган,
Айтмаган ҳам кўнглидаги бор сирлардан.
Фақат... бошга ёққан дўл-у, ёмғирлардан,
Чўккан сарой — эрта кетган отам менинг.

Ота десам кўксим сим-сим қирқилади,
Бу сўз икки дунёимни бир қилади.
Шу сўз мени ер қилади, шеър қилади,
Умматқулбой — эрта кетган отам менинг.

— Ҳалима опа, саёз қўшиқлар кўпайди. Ёшлар-да булар, ҳали йўлини топиб кетади, деб оқлашадиям уларни баъзан...

— Йўқ. Йўқ. Мен ҳозирги юракларга бостириб кираётган саёз қўшиқларни бостириб келаётган хавфли лойқа, сув, селга ўхшатаман. Сел ўтади, кетади, деб бўлмайди. У босган жойидаги экин-тикинни юлиб, қуритиб кетганидай бу қўшиқлар ҳам ҳаётга ташналик билан кириб келаётган юракларни, айниқса, ёшларнинг қалблари, туйғуларини саёзлаштиради, ўтмаслаштиради.

Юрагингдан юракка бир садолар етди-ку
Кетдинг жоним. Изларинг жонга тегиб кетди-ку.

Ахир, “юрагидан юрагига бир садолар” етган бўлса, нози нега жонга тегади?

Мантиқ қани бу ерда? Баъзан “Шеър танлашда инжиқман” деган яхшигина овозли хонандаларимизда ҳам ҳар хил савиядаги қўшиқлар кўп учрайди. Менимча, бундай хонандаларга шеър танлашда бу соҳанинг билимдонлари ёрдам беришлари лозим. Одам ёрдам сўрашдан уялмаслиги керак. Яхши фикрни бу Шарқ, бу Ғарб, бу дўст, бу душман деб турли хаёлга бориб ўтирмай, дўстданам, душманданам ола билган одам кучли одам бўлади.

— Баъзи масалаларда болаларни айблаймиз. Айбнинг негизи оналардамикин?

— Тўғри айтасиз, бола ўз номи билан бола. Уни қайси томонга эгсангиз, эгиладиган вақти. Болаликда ўрганганинг тошга босган тамғадай, кексаликда ўрганганинг қорга босган тамғадай, деб бежиз айтишмайди. Менинг бугуни болаларга, ёшларга ҳавасим келади. Уларнинг кўпчилиги деярли 3-4 тилни мукаммал билади. Спорт турларига қатнашади. Компьютерларда бемалол, ишлайди. Аммо беайб Парвардигор, уларданам айримлари қаерлардадир оқсаётган бўлса, бу айбнинг сабаби сиз айтгандай биз оналарда. Биз қаердадир тарбияда адашганмиз. Кўпроқ ўзимиз билан, ишимиз билан банд бўлган бўлишимиз мумкин. Хориж файлфсуфларидан бирининг шундай фикри бор эди: “Сиз бизга тарбияланган оналарни беринг, биз сизга тарбияланган жамият яратамиз”. Бу фикр бежиз айтилмаган. Оилани қовжиратиб, чўллатувчи ҳам, қулф урдириб, гуллатувчи ҳам аввало аёл, она.

Аллоҳдан сўровимиз шундай. Ҳар бир она, аёл ўз оиласи ҳаёти, болаларининг ҳаётини гуллатсин. Биз ота-оналар мустаҳкам қўрғон, қалъа бўлолганимиздагина болаларимиз безавол камолга етади. Уларнинг гулдай ҳаёти ҳар хил адашиш, тўфонларда соврилиб кетмайди.

ОНАЛАРИМИЗ

Ой нимадир, бизлар ой эдик
Соҳиб аҳл, ҳур чирой эдик.
Ҳаммадан тик, қайтмас, бой эдик
Токи тирик, токи хиромон
Чўлпон экан оналаримиз.

Ўқ ўтмасди кўкрагимиздан
Ёвларимиз келмасди тиздан.
Исинардик ўт ёқиб муздан
Токи тирик, ўлим билмас жон,
Қалқон экан оналаримиз.

Чанг солмасди ёвуз қашқир, барс
Рақибларам чиябўри тарз.
Юрак синмас, кетмас эди дарз
Токи тирик, ёвга беомон,
Кўрғон экан оналаримиз.

Воҳ, бошланди кўрғонсиз кунлар
Ичга урди, ўт, изғиринлар.
Кимда қасос, кимдадир кинлар
Билмай қолдик, қай сабаб, қачон
Ҳар ён тарқаб кетдик баримиз.

Ой нимадир, бизлар ой эдик
Чўлпон экан оналаримиз.
Қалқон экан оналаримиз.
Кўрғон экан оналаримиз.

— Севган қўшиғингиз... Ўзимизнинг қўшиқлардан, хориж қўшиқларидан...

— Севган қўшиғимми... севган қўшиқларим кўп. Масалан, “Омонёр”, “Муножот”, “Ўртар”, “Куйгай”, “Баҳор” айёмида, ҳа, топдим, “Наманган тановари”...

Шубҳасиз, ҳар бир халқнинг суюмли ўлмайдиган, яшовчан мусиқалари, қўшиқлари бор. Ҳар бир тилда бир тарих, ҳайқирган бир миллат бор, дейди прогрессив турк шоири Меҳмед Эмин Юрдакул. Мен турк қўшиқларини кўпроқ эшитаман, тилини унча-мунча тушунганим учунми?

Иброҳим Тотлисас, Сезан Оқсу, Таркан, айниқса, Тотлисаснинг нолалари ўзимизнинг оҳангларга ўхшаб кетади.

Бир гал кечқурун телевизорда турк эстрада оркестрлари концерт бераётганди. Сардор Ўртач “Ҳадигит” қўшиғини бошлаб қолди. Оҳанг шу қадар ёқди... (ўзи шеърни оҳангдан ушлайман). Қўшиқ давомида унинг оҳангига мос сатрлар келабошлади хаёлимга. Қўшиқ тугагандан кейин 10-15 минут ичида мен ўзимнинг “Энди кет” шеъримни ёзиб тугатдим. Мазмун, моҳияти бу қўшиқдан мутлақо узоқ бир шеър ёзилди.

— Шу шеърни ҳозир “Ҳуррият” мухлисларига тортиқ қила оласизми?

— Албатта.

Энди кет!
Кутдирдинг, ёмон кутдирдинг
Ҳижрон заҳарини шавқ-ла ютдирдинг
Йиқилдим. Бошимда устувор турдинг

Энди кет!
Ҳижрон йўлларида сочилди зорим
Кутдим ишқим ярим, умидим ярим.
Бир-бир синиб битди, қобирғаларим
Энди кет!
Энди кет, шавкату шон ортиқчадир
Чанқоб қулагач, уммон ортиқчадир
Тиланиб тўкилгач, нон ортиқчадир.
Энди кет!
Энди кет, бошқага дилингни ёргин
Алвидо, кўнглимда на гина, на кин.
Энди кимга борсанг, вақтида боргин!
Энди...
кет!

Маъпура МУҲАМЕДОВА суҳбатлашди.

Огоҳлик

2003 йилнинг шу вақтига қадар ДИҲХХ ходимлари томонидан 750 дан ортиқ жиноий ҳолат аниқланиб, 54 килограмдан зиёд гиёҳвандлик моддаси ушлаб қолинди. Бу мисол билан танишиб чиқаётган киши хаёлидан бор-йўғи 54 килограмм экану, деган гап ўтиши мумкин. Айтишга осон, аммо мана шу рақам остида яширинаётган ақалли 0,1 грамм гиёҳванд моддасининг ўзи бир йигит ё қизнинг, кимнингдир норасида гўдагининг, азиз фарзандининг ҳаётига, умрига зомин бўлишини тасаввур этиш нақадар оғир эканлигини ҳар ким ҳам ўйлаб кўрмаса керак. Агар айрим кишилар чуқурроқ мулоҳаза юритиб, жамият олдидаги бурчларини ҳис эта билганларида эди, гиёҳвандфурушлик билан шуғулланиш ва шу орқали пул ишлаш хаёлидан йироқ бўлардилар. Шу ўринда асосли бир-икки мисол келтириш жоиз.

«ЧАК-ЧАК»ДА ҚЎЛГА ТУШДИ

2003 йилнинг 16 августи эди. Соат миллари кечки олтиларга яқинлашиб қолган эди. Қашқадрё вилояти ИИБ ИҲХБ алоҳида ЙПХ батальони инспектор-кинологи, милиция сержанти Нуриддин Рўзиев “Чак-чак” мунтазам ЙПХ масканида хизматни давом эттираётганди. Шу пайт олисдан “Тико” русумли 19 А 8325 давлат рақамли автомобиль кўринди. Нуриддин Рўзиев уни тўхтатди. Маълум бўлишича, рулда Сурхондарё вилояти Денов тумани “Туркистон” кўчаси, 12-уйда яшовчи Ҳасан Шоносиров экан. Инспектор-кинолог Н. Рўзиев “Лесси” лақабли хизмат ити ёрдамида автомашинани текшира бошлади. Кўп ўтмади. Автомобиль салонидан 6,0 грамм опиюм, юкхонадан эса 1820 грамм героин гиёҳвандлик моддаси топилди. Мазкур гиёҳвандлик моддалари расмийлаштирилиб, вилоят ички ишлар бошқармасига топширилди.

Худди шу куни Тошкент шаҳар ИИББ ИҲХБ ЙПХ бригадаси 5-отряд, 5-сафарбарлик гуруҳи инспектори, милиция сержанти И. Ортиқов жиноят қидирув бўлими ходимлари билан ҳамкорликда Яккасарой тумани, Муқимий кўчасидаги “Лола” кафеси олдида Евгений Сагайдаковни текширганда, унинг ёнида 739,65 грамм марихуан борлигини аниқлади. Е. Сагайдаков Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли кўчаси, 105-уй, 43-хонадонда истиқомат қилувчи шахс. У ҳеч қаерда ишламайди. Бундан унинг гиёҳвандфурушлик билан шуғулланиб пул ишлаш йўлига ўтган, деган хулосага келиш қийин эмас. Умуман олганда, келтирилган ҳар иккала мисолдаги воқеалар кишига қанчалар таъсир этиши менга қоронғи. Лекин бир нарса аниққи, номлари зикр этилган шахслар бундай йўл билан пул ишлаш нафақат жиноят, балки гуноҳи азим эканлигини яхши англашлари лозим.

Анвар СУЛАЙМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИҲХБ Бошқармаси бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.

Жавоб


ИШ ҚАЙТА КЎРИЛАДИ

(“Ҳуррият” “Айбимга иқрорман” 2003 йил, 16 июл)

Мақолада тилга олинган Ўзбекистон Республикаси ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “а,в” бандлари билан судланган Бекзод Норбекович Норқўзиев ва Ўткир Шералиевич Амановга оид жиноят иши Олий судда текшириб чиқилди.

Текшириш натижаси бўйича Б. Норқўзиев ва Ў. Амановга нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, ишни янгидан судда кўриш учун юбориш ҳақида Олий суд раҳбарияти томонидан жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди Раёсатига протест билдирилди.

Й. ТУРСУНОВ,
Жиноят ишлари бўйича Судлов ҳайъатининг раиси



«СУВЖИҲОЗГАЗ»

ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

Ўзбекистон халқини буюк Истиқлолнинг 12 йиллиги билан самимий муборакбод этади.

Биз Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг улкан самаралар келтираётганининг гувоҳимиз.

Ўзбекистон жуда оз фурсатда тараққиёт поғоналарига чиқиб олганини олқишлаймиз.

Ушбу тарихий даврда қўшма корхонамиз баҳоли қудрат иштирок этаётганини, оз бўлса-да ўз улушини қўшаётгани бизни беҳад қувонтиради.

Ушбу айём билан қутлар эканмиз, барчангизнинг хонадонингизга тинчлик, осойишталик ва қут-барака тилаймиз. Икки қардош халқнинг дўстлиги ва ҳамкорлиги умрбоқий ва ажралмас қадриятларимиздек тароватли бўлсин!

ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Абдуҳалим ХОЛМАҲМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

ШАХС ВА ДАВЛАТ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Республикада қонунийлик ва фуқаролик ҳамжиҳатлигини таъминлашда ва давлат бошқаруви тизимида давлат-чиликни мустаҳкамлаш ишига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшаётган прокуратура органларининг ўрни ўзига хосдир.

Мамлакатимизда прокуратура органларининг қонун устуворлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасидаги салмоғини кўз олдимизга келтириш учун фақатгина 2003 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишларнинг қисқача таҳлилини кўздан кечириш кифоя қилади, деб ўйлайман.

Шу даврда прокуратура идоралари томонидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, 7 мингга яқин мансабдор шахснинг ноқонуний ҳужжатларига нисбатан протест келтирилган, қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 11 мингдан ортиқ тақдимномалар киритилган, 22 мингдан ортиқ мансабдор шахс огоҳлантирилган, 16 ярим мингдан ортиқ мансабдор шахс интизомий, 23 ярим мингдан ортиқ шахс маъмурий, шунингдек, 6 ярим мингдан ортиқ мансабдор шахслар моддий жавобгарликка тортилган. Қонунни қўпол равишда бузиш ҳолатлари юзасидан ушбу давр ичида 2140 та жиноят иши қўзғатилиб, терговга оширилган. Текширишлар давомида мансабдор шахслар томонидан етказилган 1.549.147.000 сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилган.

Бундан ташқари, қайд этилган даврда прокурорлар томонидан ножўя хатти-ҳаракатлари ҳамда жиноий қилмишлари учун 31.426 та шахсга нисбатан қўзғатилган 23.446 та жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиши ташкил этилиб, айблов хулосалари билан судда кўриб чиқишга юборилган.

Суднинг ноқонуний қарорлари устидан шикоят қилиш бўйича прокурорнинг самарали фаолияти ҳақида қуйидагилардан хулоса қилиш мумкин. Шу йилнинг биринчи ярмида прокурорлар томонидан судларда кўрилган 24 мингдан ортиқ жиноят ишида прокурор иштироки таъминланиб, судларнинг ноқонуний равишда қабул қилган 1250 та қарорига нисбатан апелляция тартибида протест келтирилиб, асоссиз суд ҳукмлари бекор қилиниб, ўзгартирилган ва қонунга мувофиқлаштирилган. Бу эса жами бекор қилинган суд қарорларининг 86 фоизини ташкил этади.

Прокурорлар томонидан фуқаролик ишлари бўйича судларда ҳам прокурор иштироки таъминланмоқда ва давлат ҳамда фуқаролар манфаатини кўзлаб, судга даъво аризалари киритилмоқда. Шу давр ичида прокурорлар томонидан қиймати 12 миллиард сўмдан ортиқ 21.983 та даъво аризалари қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун судларга юборилган. Судлар томонидан қаноатлантирилган қиймати 5 миллиард сўмлик 17.336 та даъволар бўйича қарийб 4 миллиард сўмлиги ҳақиқатда ундирилиб, бу билан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат манфаатлари ҳимояси таъминланган.

Прокуратура органлари давлат корхоналари, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар ишида ҳар қандай сансалорлик ҳолатларига барҳам бериш, шартнома ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга ўз фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида қарайдилар.

Ўтган биринчи ярим йилликда прокурорлар томонидан умумий қиймати 20 миллиард сўмга яқин 421 та даъво аризалари қўзғатилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун хўжалик судларига юборилган. Хўжалик судлари томонидан 14 миллиард сўмлик даъволар қаноатлантирилиб, тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимояси таъминланган.

Шу давр мобайнида прокуратура идоралари томонидан 17.563 та ариза ва мурожаатлар кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилган.

Холисона эътироф этиш лозимки, мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, бир сўз билан айтганда, асрлар давомида барчамиз орзу қилган халқимизнинг бахтли ва фаровон турмуш кечиришдек эзгу ниятимизга етишишда прокуратура органларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Абдуқолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,
“Huquq” газетасининг бош муҳаррири

Матбуот – прокуратура: ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

Шуни мамнуният билан айта оламизки, матбуот, айниқса, ҳуқуқий матбуот бугунги кунда прокуратура органларини халқ билан боғловчи кўприк вазифасини ўтмоқда. Шу кўприк шарофати билан прокуратура ходимлари халқ ҳузурига чиқиб борадиган, унинг дарду муаммоларига шерик бўлдиган, фуқаролар прокурорига кириб келаётган ҳар бир фуқарога ўзининг конституциявий ҳимоя қилишни 1993 йилда прокуратураси катимизда биринчи — “Адолат йўлида” газетаси чоп этила бошлади. 1995 йилда Сирдарё вилоят прокуратураси уларнинг тажрибасини ўрганиб, “Адолат кўзгуси” газетасини чиқаришни йўлга қўйди. Шундан кейин ҳар иккала нашр тез орада оммавийлашиб, тиражи бир неча баробарга ошиб кетди. Бу халқимизнинг ҳуқуқий маърифатга ниҳоятда чанқоқлигини кўрсатади.

1996 йилда республика прокуратураси муассислигида “Qonun himoyasida” журнали чоп этила бошланди. 1997 йилда унга илова сифатида “Huquq” газетаси юзага келди. Тезда уларнинг бир галги тиражи 50 минг нусхага етди. Шундан кейин барча вилоятларда юридик нашрлар чоп этила бошлади ва уларни ташкил этишнинг асосий ташаббускори прокуратура бўлди.

Мамлакатимиз мустақиллигига қадар ҳуқуқий нашр чиқариш, яъни ҳуқуқий маърифат ва қонунларни такомиллаштириш, тарғиб-ташвиқ ишини собиқ империя ўз қўлида сақлаб келган эди. Чунки собиқ империя корчалонлари қонунни билмаган ва ҳуқуқини танимаган халқни бошқариш осон бўлади, деган ақидага таянганлар. Бизнинг мустақил мамлакатимизда ҳозир аксинча, ўз ҳуқуқини билган ва уни қонун доирасида ҳимоя қила оладиган фуқаролар билан яшаш, ишлаш муваффақиятлар гаровидир, деган тамойилга амал қилинади.

Ҳуқуқшунослар газета ва журналлар таҳририятларини бозор иқтисодиёти қонунлари асосида ишлашига кўмаклашдилар. Ўз навбатида журналистлар прокуратура фаолиятининг барча жабҳалари қамраб олинган долзарб материаллар билан ўқувчилар ҳузурига чиқишга интилдилар. Журналистларнинг мавзуга ихтисослашуви самараси ўлароқ, ҳисоботларни умумлаштириш ва таҳлилий хулосалар чиқариш орқали ҳаётимизнинг долзарб муаммолари хусусида баҳс юритадиган мақолалар сони кўпайди.

Очиғини айтиш керак, иш ҳақидан қарздорлик ҳозирги кунда оғриқли муаммолардан ҳисобланади. Бу мавзу “Huquq” газетаси саҳифаларига олиб чиқилди. Шундан кейин Тошкент шаҳар прокуратруаси мазкур шикоят изидан бориб, Тошкент шаҳридаги “Миконд”, “Агрегат”, Мебель ишлаб чиқариш бирлашмалари каби йирик корхоналарда текширишлар ўтказиб, иш ҳақидан қарздорликни бартараф этишда бевосита қатнашди. Кўрилган чора-тадбирлар жавоби яна газетамизда эълон қилинди.

Яхши биламизки, шикоятлар, шикоятбозлик 90-йилларнинг оғриқли масаласи эди. “Qonun himoyasida” бирлашган таҳририяти кўп шикоят тушадиган Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида бу масалани атрофлича ўрганди ва мақола эълон қилинди. Ушбу мақолалар вилоят прокуратураларида муҳокама этилиб, чоралар кўрилди. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг махсус буйруғидан кейин оғир тош жойидан кўчди. Унда туман ва шаҳар прокурорлари фуқароларни исталган куни ва исталган пайтда қабул қилиши белгиланган. Шу тариқа тумандан вилоятга ва ундан ўтиб пойтахтга оғир йўл харажатлари билан шикоят қилиб келишнинг камайишига эришилди, десак хато қилмаган бўламиз.

Прокуратура кейинги пайтда ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва назорат идоралари фаолиятини яхшилаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини етарли даражада ҳимоя қилиш масалаларига йўналтиришга ҳам эътибор қаратмоқда. Жамоатчилик назорати билан боғланиб кетадиган бу ҳаракат ўз-ўзидан ошкоралик ва назорат минбари сифатида матбуот билан ҳамкорликни кучайтиришни тақозо этади. Конституцияда белгилаб берилган ҳуқуқлар доирасида прокуратура ҳам, таҳририят ҳам бугун бундай ҳамкорликка ҳар томонлама тайёр, деб бемалол айтиш мумкин.

Сайёра ҲАКИМОВА,
Конституциявий суднинг судьяси

ТАКОМИЛЛИК ЗАРУРАТИ

Маълумки, суд-ҳуқуқ ислоҳоти, прокуратуранинг давлат механизмидаги ўрни мавзусида кўпгина мунозаралар, баҳслар олиб борилмоқда. Айрим Ғарб моделлари тарафдорларининг ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ва ҳимоя қилишда ўзгалар тажрибасини кўр-кўрона, енгил-елпи нусхалаштиришга интилишлари ҳам бўлди, прокуратуранинг давлат органлари тизимидаги роли ва ўрнига нисбатан қарама-қарши фикрлар тўқнашуви юз берди, иш ҳатто қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳақиқий демократия ва янги ўзбек давлатчилигининг қарор топишида муҳим воситалардан бири бўлган прокурор назоратининг асл моҳиятини олиб ташлаш, прокуратура ваколатини маълум даражада қисқартириш, уни фақат жиноятни таъқиб қилувчи ёки судда айбловни қувватловчи органга айлантиришга уринишгача етиб келди.

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясидаги “Адолат қонун устуворлигида” маърузасида прокуратуранинг вазифалари, янги таҳриридаги “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун лойиҳасининг принципиал қоидалари бўйича билдирилган энг муҳим ва муайян тавсиялари, Олий Мажлиснинг шу сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунининг қабул қилиниши — прокуратуранинг мақоми ҳамда ваколатларига тааллуқли ноаниқликларга, муаммоларга чек қўйди, десак бўлади.

Биринчи марта Қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминланиши устидан назорат ўрнатишга бағишланган махсус боб киритилган (учинчи бўлим, 2-боб). Ҳаётнинг ушбу ўта муҳим соҳасида назоратнинг предмети, прокурорларнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган. Шахсий дахлсизлик қоидаларини фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини бузиш ҳолларига прокурорлик таъсирининг восита ва шакллари аниқ белгиланган.

Шу ҳақиқатга қарамасдан, ҳозирги кунда ҳам прокуратура позициясини ожизлантиришга, прокуратурани қонунлар ижроси устидан назорат қилиш функциясидан, шунингдек суриштирув ва тергов органлари устидан назоратни амалга ошорадиган баъзи ваколатларидан, жумладан, эҳтиёт чора сифатида қамоққа олиш ва бошқа жиноят-процессуал қонуни назарда тутган фуқароларнинг ҳуқуқларини чекловчи (тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, телефонларни эшитиш) процессуал ҳаракатларга санкция бериш ваколатидан маҳрум қилишга қаратилган интилишлар пасаймасдан, мунозаралар давом этмоқда.

Прокуратурадан қонунлар устидан назорат (умумий назорат) функциясини олиб, уни Адлия вазирлигига бериш тарафдорларининг таъкидлашларича, бу прокурор назоратининг бошқа соҳаларини мақсадли амалга оширишга имкон туғдирар экан, прокуратурадан умумий назофат функциясини олиш кераклигига асос қилиб, улар прокуратура фақат жиноятни таъқиб этувчи ва судда айбловни қувватлаш билан шуғулланадиган Европа мамлакатлари тажрибасини келтиради.

Мамлакатимизда шаклланган реал амалиётни ҳисобга олмаган бу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига мутлақо зиддир. Бизнинг мамлакатимиз фақат декорация учун, Европа структураси тарзида расмийлаштирилган прокуратурага муҳтож эмас.

Қонун нафақат суриштирув ва дастлабки терговни, шунингдек, тезкор-қидирув фаолиятини олиб борувчи органлар томонидан ҳам қонунлар ижроси устидан назоратни талаб қилади (Қонуннинг 4-моддаси, ЖПКнинг 382-моддаси). Лекин қонун қабул қилинганига икки йилга яқин вақтнинг ўтишига қарамасдан, прокурорнинг бу соҳадаги ваколати, уни амалга ошириш механизми ва тартиби ишлаб чиқилмаган, назоратнинг мазкур турини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга ҳам, ЖПКда ҳам мавжуд эмас. Бу камчиликнинг бартараф этилишига, албатта, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг йўқлиги ҳам сабаб бўлмоқда.

Судларда иш юритилиши ЖПК талаблари даражасида тарафларнинг ўзаро тортишуви асосида олиб борилаётгани йўқ, чунки судда кўрилаётган барча ишларда прокурор иштироки таъминланмаяпти, бундай талаб ЖПКда ҳам назарда тутилмаган. Амалиётда жиноят процессида тарафларнинг тенг ҳуқуқлилик принципи тўла амалга оширилаётгани ҳам йўқ.

Юқоридаги муаммолар прокуратура фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомилаштириш йўли билан ҳал қилинади.

Алишер ШАРАФУТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов бош бошқармаси бошлиғи

АДОЛАТГА ОЗОР ЕТМАСИН

Ички ишлар идоралари терговчиларининг қонунларга, инсон ҳуқуқларига бўлган муносабатларида, фуқаролар билан муомала маданиятига бўлган қарашларида ижобий томонга сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда. Хусусан, фуқароларнинг терговчилар хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб қилаётган мурожаатларининг ислоҳотлар бошлангандан буён сал-кам 60 фоизга камайганлиги амалга оширилаётган ишларнинг самараси салмоқли эканлигидан далолат беради. Жиноий таъқиб ва жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши мутахассисларимиз, ҳуқуқшунос олимларимиз, шу жумладан, чет эллик ҳуқуқшунослар ва, энг асосийси, халқимиз томонидан ижобий қабул қилинди.

Бироқ айрим муаммолар ҳам борки, улар ҳамон ўз ечимини кутмоқда. Жумладан, терговчиларимиз ҳанузгача мустабид тузумдан иллат бўлиб қолган қарашлардан холи эмаслигини очиқ айтишимиз лозим. Бу ҳолатлар рақамлар ва кўрсаткичлар ортидан қувишда, кўрсаткичларнинг инсон тақдиридан юқори қўйилишида, қонун бузилишининг сохта йўллар билан олдини олишда, фуқароларнинг, айниқса, гумондорларни ушлаш, уларни ҳибсга олишда, жиноят ишларини ҳаракатдан тугатиш ёки жиноят ишини рад этиш қарорларини чиқаришда, айбланувчининг ҳаракатларини малакалашда жиноят иши прокурор ёки суддан қайтмаслиги учун уларга оғирроқ моддалар бўйича айб эълон қилишда ва шу каби бошқа ҳолатларда ўз ифодасини топмоқда.

Бу иллатлардан қутулиш мақсадида тергов идоралари фаолиятини баҳолаш мезонларини ўзгартирдик. Масалан, илгари судга кўпроқ иш юбориб, уларни камроқ ҳаракатдан тугатиш энг яхши кўрсаткичлардан ҳисобланган бўлса, эндиликда бундай кўрсаткичлардан воз кечдик. Иш бўйича адолатли қарор қабул қилиниши, уларнинг бекор қилинмаслиги асосий мезон сифатида қабул қилинди. Кўрсаткичларни баҳолаш мезонлари қаторида тергов идоралари фаолияти юзасидан фуқароларнинг, ариза ва шикоятларининг салмоғи, прокурор ва судлардан келиб тушаётган тақдимнома, интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда хусусий ажримлари ҳам инобатга олинмоқда.

Гумондор ва айбланувчиларни вақтинча ушлаб туриш ёки тергов изоляторларидан бўшатиш, уларга нисбатан жиноят ишларини ҳаракатдан тугатиш каби кўрсаткичлар салбий эмас, деб қатъий белгиланди. Жорий йилнинг 7 ойи мобайнида ҳаракатдан тугатилган жами 278 та жиноят ишидан бор-йўғи 90 таси ижтимоий хавфини йўқотганлиги ёхуд айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, зарарни қоплаганлиги ва терговда ёрдам берганлиги сабабли ҳаракатдан тугатилганлигини қандай изоҳлаш мумкин?! Ахир биз шу давр ичида салкам 30 минг кишини жавобгарликка тортиб, ишларини судларга бердик. Буларнинг 20 мингдан ортиқроғи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёхуд унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбланган. Наҳотки, шунча одамнинг орасидан 90 нафаригина кечиришга лойиқ бўлса?!

Олий Суд Пленумининг қарорида “дастлабки тергов ҳаракатларини тамомлаш арафасида ҳибсда сақланаётган айбланувчига нисбатан қўлланилган эҳтиёт чорасини ўзгартириш масаласи муҳокама қилиниши, агар ўзгартирилмай қолса, айблов хулосасида бу ҳолат асослантирилиб ўтилиши шарт”, деб кўрсатилган бўлишига қарамай, мазкур қарор талаби ҳам тўла бажарилмай қолмоқда. Жорий йилнинг 7 ойи давомида 9120 нафар ҳибсга олинган шахсдан бор-йўғи 81 нафари, ёхуд 1 фоиздан камроғи озод қилинган холос. Шулардан 25 нафарини ТББ аппаратида тергов қилинган ишлар бўйича ўтган айбланувчилар ташкил этади. Вилоятларда эса бу масала назардан четда қолганлиги яққол кўринмоқда. Яна ўша эски касаллик: айбланувчи ҳибсга олиндими, уни озод этиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, қабилида иш давом эттирилмоқда. Ҳануз дастлабки тергов даврида қўлланилган эҳтиёт чорасини айбланувчига келажакда қўлланилиши мумкин бўлган жазо чораси билан боғлаб қараймиз.

ЖПКнинг 225-моддасида кўзда тутилган ушлаш тартиби амалиётда тўла қўлланилмаяпти. Ушланган гумондорнинг шахси атрофлича ўрганилгач, унинг жиноятга алоқадорлиги текширилиб, далиллар мустаҳкамлангандан кейин, уни озод этиб юборишдан чўчимаслигимиз керак. Лозим бўлса, унинг шахсини тўла ўрганиб чиққунимизгача, ҳатто қамоққа олиш эҳтиёт чораларини қўллашимиз ва кейинчалик енгилроғига ўзгартириш ҳам мантиқан тўғри бўлар эди.

Ички ишлар вазирлигининг навбатдан ташқари ҳайъат мажлисида қабул қилинган қарорда энг асосий бандларидан бири — инсон ҳуқуқларини поймол қилиш билан боғлиқ қонун бузилишлар фавқулодда ҳолат деб топилиши ва айбдорларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрилиши белгиланди. Қонунчиликни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича махсус комиссия ташкил этилди ва унинг олдига қатор вазифалар қўйилди. Дастуримизга кўра, иккита йўналишда иш олиб боришни лозим топдик. Биринчиси, ахборот-тарғибот ишлари, яъни ходимларимиз билан халқаро ҳуқуқий нормаларни, миллий қонунчилигимизни ўрганиш, уларнинг ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва шу каби ишлар бўлса, иккинчи йўналиш, Ички ишлар вазирлигининг инсон ҳуқуқларини таъминлаш механизмини кўзда тутувчи норматив базасини яратишдан иборатдир.

Холмаҳмад ҲАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳарбий ҳайъати Раиси вазифасини бажарувчи

СУДДА ТОМОНЛАР ИШТИРОКИНИНГ АҲАМИЯТИ

Бугунги кунда жиноят ишлари бўйича суд амалиётида судланувчи (судланган)нинг аҳволини яхшилаш томонига ҳал қилинаётган ишларнинг салмоқли қисми прокурорларнинг протести асосида кўрилаётганлигини кузатиш мумкин. Фақатгина Олий суднинг назорат тартибида ўрганиши натижасида ўтган олти ойда жиноят судлов ҳайъатида кўрилган 94 та протестнинг 52 таси либераллаштириш тўғрисидаги қонунни қўллаш хусусида прокуратурадан келиб тушган ва бу протестлар қаноатлантирилиб, айбдор шахсларнинг аҳволи бир қадар яхшиланиши томонига ажрим чиққан.

Суд процессида фуқаролик ишларини ҳал қилиш чоғида тараф сифатида иштирок этаётган прокурор муайян муносабатлари тартибга солувчи қонун тантанасини ўрнатишда судьяга беғараз кўмак беради. Жиноят ишлари кўрилиши жараёнида тортишувчилик тамойилининг тўлиқ амалга ошиши учун прокурор субъект бўлиб, суднинг холислигини таъминлайди.

Прокурорни давлат айбловчиси ҳам дейдилар. Бу функция прокурорнинг ваколатларидан бири бўлиб, уларнинг ҳамма вақт ва ҳаммасига ҳам тааллуқли эмас. Прокурорнинг давлат айбловчиси сифатидаги роли асосан жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриш жараёнида намоён бўлади.

Маълумки, эски таҳрирдаги Жиноят процессуал кодексида (221-модда) судланувчига айблаш фикрининг нусхасини судья топшириши белгилаб қўйилган эди.

Шунингдек, айблов хулосаси ҳам суд мажлисига раислик этувчи томонидан ўқиб берилиши билан суд тергови бошланар, бу билан судьянинг айблов томонга ён босаётганига ўхшаш таассурот ҳосил бўлар эди.

Эндиликда айблов хулосасининг нусхасини айбланувчига ва ҳимоячига прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан юборилиши амалдаги ЖПКнинг 388-моддасида кўрсатиб қўйилди. Ҳозирги пайтда айблов хулосаси давлат айбловчиси томонидан ўқиб берилаётганлиги мантиқан судьянинг холислигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда.

Бироқ айрим суд процессларида прокурорларнинг бошдан охиригача иштирок этишлари таъминланмаётганлиги фактларидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Аслида прокурорнинг суд процессида узрли сабабга кўра иштирок этмаслиги суд мажлиси муҳокамасини қолдириб туришга асос бўлади (ЖПК 412-моддаси). Бордию узрсиз сабаб билан муҳокамага қатнашишини тўхтатса, мантиқ нуқтаи назаридан айбловдан воз кечиш деб тушунишга олиб келиши мумкин. Негаки, суд процесси тортишув асосига қурилар экан, тортишадиган тарафнинг йўқлиги содир этилган ижтимоий хавфни қилмиш — айб ва бундай қилмиш содир бўлмаганлиги ёки бундай кўринишда амалга ошмаганлиги ҳақидаги талабини тарозига қўйиб баҳолаётган судьяни ноқулай вазиятга тушириб қўйиши табиий.

Ушбу ҳолатни кўпинча прокурорлар ходимлар штати камлиги ва суд процессларининг бирданига бир нечтаси бошланиб қолганда ўзларининг улгуролмай қолишлари билан изоҳлашади. Аммо адолат тантанаси учун процессда прокурорнинг тўлиқ иштироки зарурат эканлиги эътибордан четда қолмаслиги керак ва бунинг ечими ҳар қандай қийинчилик билан бўлса-да, ечилиши шарт, деб ўйлаймиз.

Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди раисининг ўринбосари

АМАЛИЁТ РАСМИЯТЧИЛИКНИ ХУШ КЎРМАЙДИ

Хўжалик судларининг ташкил этилиши Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг тўла таъминланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Зеро, инсон ҳуқуқларининг муҳим таркибий қисми унинг мулкдор бўлиш, тадбиркорлик, ишбилармонлик орқали ўз иқтидори, салоҳиятини намоён этиш ҳуқуқидир. Мазкур ҳуқуқлар ҳимоясини одил судлов йўли билан таъминлаш эса хўжалик судларининг устувор вазифаларидандир. Қолаверса, турли шаклдаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ҳимоя этиш орқали ўз тирикчилигини, тақдирини ана шу корхоналар билан боғлиқ кўрадиган минглаб инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириш, зарур меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқлари таъминланмоқда.

Далилларсиз фикрни исботлаш қийин: жорий йилнинг олти ойида айнан прокурорлар даъволари юзасидан 2273 та иш кўриб чиқилган. Мазкур даъволарнинг 2049 таси қаноатлантирилиб, 14,5 миллард сўмга яқин маблағлар тарафлар фойдасига ундирилган. 105 миллион сўмликдан ортиқ 54 та даъво аризалари эса рад этилган.

Прокурорнинг хўжалик судларида даъво ариза ва аризаларнинг кўринишида иштироки тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар мавжуд. Жумладан, айрим мутахассислар хўжалик судларида ишларни кўришда қатнашувчи прокурорларнинг камлиги тўғрисида гапиришади. Масалан, Жиззах вилоят хўжалик судида ҳар бир судья ўртача бир ойда 92 тача низони кўриб ҳал этмоқда. Вилоят хўжалик суди судлов жараёнларида ҳамма ишларга (ҳатто зарур бўлганда ҳам) жалб этишга монелик қилади.

Хўжалик судларининг ҳозирги амалиётида бўлаётганидек, суд мажлисида қатнашаётган прокурор ўз хулосасини оғзаки тартибда билдиради. Прокурор хулосасининг ёзма тарзда берилишини қонунчиликда назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ёзма хулосада иштирокчилар ва даъво талаби ҳақида қисқача маълумот, даъво талабларининг қондирилиши ёки рад этилиши ёхуд қисман қаноатлантирилишининг асослари кўрсатилиши ҳам фойдадан холи бўлмайди.

Ҳозирги пайтда аксарият судьялар хўжалик судларида иш кўрилишида прокурор иштирок этиши шарт эмас, деб ҳисоблайдилар. Чунки, биринчидан, ишда иштирок этаётган ҳар бир томон ишда ўзининг бузилган ҳуқуқларини чекланмаган тарзда ҳимоя қилиш, талаблари ва эътирозларини исботлаш ҳуқуқига эга. Прокурор эса ишда иштирок этганда тарафлар тақдим қиладиган далиллардан ва ҳужжатлардан бошқа далилларни тақдим эта олмайди. Шу сабабли прокурорнинг хўжалик низоларини кўришдаги иштироки фақат расмий тусга эга бўлиб қолади. Ҳолбуки, суд амалиёти расмиятчиликни хуш кўрмайди. Иккинчидан, низолашаётган икки тадбиркор ёки давлат улуши бўлмаган ташкилотлар ўртасида келиб чиққан низоли муносабатга прокурорнинг алоқаси бўлмайди. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олиб, баъзи мутахассислар хўжалик судларида прокурорларнинг иштирокини таъминловчи қоидаларини ХПКдан чиқариб ташлаш, уларнинг штат бирликларини умумий юрисдикция, айниқса, жиноят ишлари бўйича судларга ўтказиб, прокурорнинг давлат айбловчиси сифатидаги мавқеини кўтаришни таклиф қиладилар. Албатта, бу фикрлар прокурорнинг ўзи даъво билан чиқаётган ишларга тааллуқли эмас, деб ўйлаймиз.

Саҳифа материалларини Норали ОЧИЛОВ тайёрлади



«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

Акциядорлик тижорат банки

Муҳтарам юртдошлар!

Сизларни улуғ байрам —

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 12 ЙИЛЛИГИ

билан табриклаймиз!

Умумхалқ байрамида барча оилаларга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик ва қут-барака тилаймиз!

Шу фурсатдан фойдаланиб, Ўзсаноатқурилишбанки даромадларингизни ошириш мақсадида Сизларга юқори даромад берувчи

«КЕЛАЖАК»

номли сақлаш муддати бир йил бўлган, ҳар ойда 3,5 фоиз даромад тўланадиган муддатли омонат турини таклиф этади. Ушбу омонатга ҳисобланган фоиз даромади ҳар ойда талаб қилинмаса, бир сақланган муддат учун омонатга тўланадиган даромад 51 фоизни ташкил қилади.

Ўз жамғармаларингизни асраш ва кўпайтириш имконини қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 120-45-17, 120-45-24, 133-34-45.

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Тақдир



ШЕРАҲМЕДОВЛАР

“Улар Германияда ўқиган эдилар” туркумидан

XX асрнинг 20-йиллари бошларида Бухоро Халқ Республикаси ва Туркистон Автоном Совет Жумҳуриятлари ҳамда ўлкада ташкил этилган “Кўмак” уюшмасининг раҳбарлари 70 га яқин йигит-қизни таҳсил олиш мақсадида Германияга юборишганди. Улар орасида тошкентлик Саида Шераҳмедова, Насриддин ва Фузаил Шераҳмедовлар ҳам бор эдилар. Насриддин ва Фузаил Шераҳмедовлар ўқиш тугагач, Германиядан ватанларига қайтиб келишган. Улар 1937 йил бошқа юртдошлари каби сталинча қатағон даврининг бегуноҳ қурбонлари бўлдилар (Аллоҳ охиратларини обод қилсин). Қариндошларининг фожиали қисматларини эшитган Саида Шераҳмедова эса Германиядан қайтмай, ўқишини битириб, Туркияга ўтиб кетади ва умрининг охиригача Ўзбекистонга қайтишга имкон тополмай, ватан доғида оламдан кўз юмади...

Биз қуйида марҳум ватандошларимиздан бири Фузаил Шераҳмедов ҳақида ҳикоя қиламиз.

Фузаил Шераҳмедов 1908 йил 3 майда Тошкентда Қорёғди маҳалласида таваллуд топган. Бошланғич маълумотни дастлаб шу ерда янги усул мактабида олади ва 20-йилларнинг бошларида бир муддат “Намуна” мактабида ўқийди. 1922 йилда “Кўмак” уюшмаси ва катта амакиси Нажмиддин Шераҳмедовнинг ёрдамида яқин қариндошлари Саида Шераҳмедова ва Насриддин Шераҳмедовлар билан бирга Германияга ўқишга юборилади. У 1922 йил сентябридан 1929 йил сентябригача Германиянинг Штрейлиц шаҳридаги олий техника мактабида таҳсил олади. Шу давр ичида Ҳайделберг, Берлин шаҳарларида ҳам бўлиб, Германиянинг замонавий илм, техника ва маданияти ютуқларини ўз кўзи билан кўради. У 1926 йилнинг охирларида мактабни муваффақиятли якунлаб, Европанинг илғор техника ютуқларини ўзлаштирган юқори малакали муҳандис бўлиб қайтади. Ўзбекистондаги йўл қурилиши бўйича маҳаллий йўллар бошқармаси бошлиғи вазифасида ишлайди. Тошкент, Фарғона, Қўқон ва бошқа шаҳарларда тош ва темир йўллар қурилиши ҳамда эски йўлларни таъмирлаш ишларида Европа мамлакатидаги йўл қурилишининг илғор тажрибаларини татбиқ этади. Шу билан бирга маҳаллий ёш кадрлар тайёрлашда ҳам ўзидаги бор илм ва тажрибаларини аямайди. Оила қуради, фарзандларининг тарбияси билан шуғулланa бошлайди. Республикамизнинг маҳаллий йўл қурилиши ишларининг келгусидаги ривожи борасида янги-янги режа ва умидлар қуршовида яшайди. Унинг қувонч ва орзулари, афсуски, узоққа боормайди. 1937 йилнинг 19 сентябрида Фузаил Шераҳмедов яшаб турган Тошкент шаҳар, Зирабулоқ кўчаси, 42-уйдан қамоққа олинади. Унга “1922-1929 - йиллари Германияда таҳсил олаётган даврида у ердаги “Озод Туркистон” номли инқилобга қарши миллий ташкилотнинг аъзоси сифатида СССРда айғоқчилик ишлари олиб борган” деган туҳмат-айблар қўйилиб, тунда уйида тинтув ўтказилади. Кекса онаси Бибирухсора Икромова, рафиқаси Шарифа Шераҳмедова, 6 ва 2 ёшли қизлари — Наима ва Фавзияларнинг кўз ёшларига ҳам раҳм қилмай, уларни чирқиратиб, уйдаги буюмларни остин-устун қилиб юборишади. Фузаил Шераҳмедовга қарашли барча ҳужжат ва нарсалар тортиб олинади, кейинроқ унинг оила аъзолари ҳам уйдан чиқариб юборилади.

— 1937 йил тоғам Фузаил Шераҳмедов қамалганларида мен 13 ёшларда эдим, — дейди унинг ҳозирда меҳнат фахрийси бўлган жияни, доцент Холида Умарова. — 2-чи Қорёғди маҳалласида турардик. Тоғамнинг қамалганини эшитгач, ойим билан хабар олишга бордик, бувим ва кеннойимлар йиғлаб-қақшаб тоғамни олиб кетишганини айтдилар. Ойим чидай олмай оғир изтиробда юрдилар, охири бориб суриштирсалар, 10 йилга ёзишсиз қамоққа ҳукм қилинган, деган совуқ хабардан бошқа нарса билмаганлар. Шундан сўнг кўп ўтмай унинг рафиқаси Шарифа ҳам 2 ёш гўдаги билан уйдан ҳайдалади, болалари билан ота-онасиникида яшай бошлайди ва ҳаётдан қийналиб ўтади”.

Фузаилни эса НКВД терговчилари ўзларининг зах ва қоронғи зиндонларида азоблаб бўйнига тақилган “айблар”ни тан олишга мажбур қила бошлайдилар. Шафқатсиз қийноқлар остида гўё у ўз айбларини бўйнига олди каби савол-жавоблар тарзида ҳужжат расмийлаштирилади. Бунга ёркин далил сифатида 1937 йил 2 октябрда бўлган терговдаги савол-жавобларни келтириш мумкин.

“Савол: Сиз юқордиа тилга олинган ташкилотга (“Озод Туркистон” номли ташкилотга демоқчи — Ш. Т.) қачон ва ким томонидан жалб этилгансиз?

Жавоб: Мен “Озод Туркистон” номли миллий айғоқчилик ташкилотига 1926 йилда мазкур ташкилот раҳбарларидан бири, Ҳайделберг университети иқтисод факультети талабаси Тоҳир Шокиров томонидан жалб қилинган эдим. 1926 йил ёзги таътил ойларида Штрейлиц шаҳридан Ҳайделберг шаҳрига синглим Саида Шераҳмедовани кўргани борган эдим. Ҳайделбергга келгач, Абдуваҳоб Исҳоқовнинг яшайдиган хонасида Тоҳир Шокировни учратдим. У мен билан суҳбат чоғида советларга қарши бўлган миллий руҳдаги мавзуларда гаплашиб, Германияда миллий руҳдаги советларга қарши бўлган “Озод Туркистон” номли ташкилот мавжудлиги, унинг Германия махфий полицияси билан алоқадор бўлиб, уни Германиянинг турли шаҳарларида ўқиётган туркистонлик талабаларни бирлаштириб турганлиги ва советларга қарши фаол кураш олиб бораётганлигини гапирди”. (Архив КГБ при СМ УзССР, П.23653, 17-бет).

Терговчиларнинг тўқиб чиқарган бу тергов баённомасига қаноат қилмай, ҳар қандай муҳандис ҳам ўз касби-корига оид ҳужжат, китобларни уйида сақлагани каби Ўзбекистон тош йўллари харитасини уйида сақлаган Фузаил Шераҳмедовга бу харита ҳам қўшимча жиноий ҳаракатлар далили сифатида тиркалган. НКВД жаллодларининг 1937 йил 20 декабрдаги қарори бу ҳақда бундай ёзади: “Ўзбекистон НКВД 3-бўлимининг оператив вакили давлат хавфсизлик хизмати сержанти бўлган Мен Михайлянц ЎзССР маҳаллий йўллар бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаган ва ҳозир қамокда бўлган Фузаил Шераҳмедовнинг уйи тинтув қилинганда қўлга олинган Ўзбекистон ССР вилоят ва районлари харитаси (ЎзССР Тошйўллар харитаси) ўзи ишлаган жойдаги Германия разведкасига бериш учун ўғирланган, шунинг учун Фузаил Шераҳмедов уйи тинтув қилинганда қўлга олинган ЎзССР вилоят ва районларининг мазкур харитаси ашёвий далил сифатида ҳисобланиб, унинг тергов ҳужжатлари орасига тикиб қўйилсин.

Ўзбекистон ССР НКВД 3-бўлимининг оператив вакили давлат хавфсизлик хизмати сержанти Михайлянц.

Розиман: ЎзССР НКВД 3- бўлимининг бошлиғи, давлат хавфсизлик хизмати сержанти Аҳкигитов” (Мазкур ҳужжат, 51-бет).

Фузаил Шераҳмедовни “икки оёқли йиртқичлар” (Соғуний) яна кўп ойлар давомида ўз жон-ҳолига қўймай, тергайверадилар. 10 йил қамоқ жазоси берилгани етмаганидек, бошқа ўйлаб чиқарилган туҳмату бўҳтонлар асосида тергов баённомаларини ўзлари тасдиқлаб, 1938 йил 9 октябрда СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентда ўтказилган ёпиқ суд мажлисида у энг олий жазо — отувга ҳукм этилади. Бу суд ҳукми ўз вақтида бажарилмай, жаллодлар томонидан бир кун олдин 1938 йил 8 октябрда шошилинч равишда ижро этилади. Ф. Шераҳмедовнинг фожиали ўлими узоқ йиллар унинг на яқинлари, на оила аъзоларига билдирилади. Шум ниятли кимсалар қотиллик содир этиб ҳам қаноат ҳосил қилмасдан, унинг яқинларини яна ҳам таъқиб ва тазйиқлар остига ола бошлайдилар. Икки норасида қизчаси кейинчалик бундай қийинчиликлар заволи бўлиб, бевақт ҳаётдан кўз юмадилар.

Туркистон ўлкасининг моддий ва маънавий тараққиётига панжа остида қараган сталинча қатағон даври вақшийлари Ф. Шераҳмедовга туҳмат тоши отавериб, бутун бир оилани барбод этади. Чунки Ватан тараққиёти ана шундай зиёли инсонлар қўлида эканлигини улар жуда яхши билишган-да.

Фузаил Шераҳмедов Сталин вафотидан анча йил ўтгач, 1958 йил 27 мартда расман оқланади, холос. Шундан сўнг Собир Раҳимов район, Қоратут кўчасидаги 4-уйда яшаб турган рафиқаси Шарифа опа Шераҳмедова **1971 йил 13 октябрда** Ўзбекистон Давлат Хавфсизлик хизмати раҳбариятига Фузаил Шераҳмедов қамалгандан кейин унинг давлатга қарашли уйи ва шахсий нарсалари тортиб олинганлиги, ҳозир ўзи уйга муҳтожлиги ва Собир Раҳимов туман ижроия комитети эрининг қамалганидан кейин ҳақиқатан ҳам уй-жойдан маҳрум этилганлиги ҳақида ҳужжат сўраётгани ва буни тасдиқловчи қоғоз беришларини сўраб, ариза беради. Шарифа опа бу ҳақда тасдиқловчи маълумотномани топширгач, **1971 йил 4 октябрдагина** (юқоридаги сана билан таққослаб кўринглар!) Собир Раҳимов туман ижроия комитетидан унинг номига уй-жой бериш учун навбатга қўйганликларини хабар қилишган. Шарифа опанинг ҳозирда ҳаёт бўлган жияни (опасининг ўғли) санъатшунослик фанлари номзоди Абдулборий Ҳасанов (1931 йилда туғилган) нинг айтишига қараганда, Шарифа опа бунга қадар кўп азоб ва уқубатларни бошдан кечиради ва Фузаил Шераҳмедов хизматларини тарғиб ва ташвиқ қилолмай армон билан оламдан ўтиб кетади.

20-йилларда Германияда ўқиб, йўл қурилиши бўйича олий маълумот олган ва кейинчалик Ўзбекистонга қайтиб, бу борада муайян ижобий ишларни амалга оширган Фузаил Шераҳмедов каби миллат зиёлиларининг фаолиятлари ва уларнинг ачиқ қисматларини ўрганишнинг, келажак авлод учун тарбиявий аҳамияти катта.

Шерали ТУРДИЕВ

Наманган вилояти Косонсой туманидаги «Асадбек Косонсой» кўп тармоқли фирма жамоаси ҳамюртларимизни ҳаммамиз учун энг азиз бўлган кун–Мустақилликнинг 12 йиллиги билан қутлаётганлигидан беҳад мамнунлигини изҳор этади. Илоҳим, юртимиз ҳамиша тинч ва обод бўлсин!

Назм

Қамбар ОТА

ЮРТИМГА ҲАМИЯТИМ БОР

Бу жаҳонда ёлғиз илинж, қанот қоқиб дилда севинч,
Ватан, халқим фаровон, тинч яшнасин, деб қилгум ўтинч.
Бўйларига ҳовуч-ҳовуч тилла сочмоқ ишқи соғинч,
Юрагимда адо бўлмас юртимга ҳамиятим бор.

Биров ҳасад билан куйган, биров ҳавас билан суйган,
Биров кўриб қовоқ уйган, биров кўриб меҳр қўйган.
Биров бехос тилин тийган, биров дўст деб кўнгил қўйган
Яхши-ёмонлар ичида менинг ҳам ўз ҳаётим бор.

Ҳақ қўлласа ато бўлгай, бу энг сўнгги нидо бўлгай,
Ҳаромхўрлар гадо бўлгай, мардлар элга фидо бўлгай.
Макр бахтдан жудо бўлгай, ҳалоллик зўр садо бўлгай,
Юрагимда ёниб ётган ўтли умид, ниятим бор.

Она юртга меҳр жўшса, фарзандлари улуш қўшса,
Халқ фахрга тўлиб-тошса, орзулар амалга ошса.
Жононлар рақсга тушса, шоирлар қўшиғин ёзса,
Бу дамларга ярашиқли, Қамбар, сирли баётим бор.

ДАРДКАШИМ

Севгингда сеҳрлаб, ақлимни олдинг.
Юрагимда ўчмас из бўлиб қолдинг.
Қийин лаҳзаларда дилга ишқ солдинг,
Гоҳи қисматимдан хаёлга толдинг,
Менинг дардкашгинам, менинг дардкашим.

Гулдан нозиккинам, тошдан бардошлим.
Туналарим ёритган қалби қуёшлим.
Оғир-енгилимда бирдай сирдошим,
Дилдаги меҳрингга эрурман бошим,
Менинг дардкашгинам, менинг дардкашим.

Сен бўлсанг, бошимни тоғлар эголмас.
Сен ёнимда бўлсанг, довул енголмас,
Дунёда ҳеч бир куч ўзин тенглолмас.
Сен бўлсанг, дилимда армонлар қолмас,
Менинг дардкашгинам, менинг дардкашим.

Муз қалблардан мангу йироқда бўлай.
Дардингда тутанган фироқда бўлай.
Севгимдан нур сочган чироқда бўлай.
Кўксинг узра ёнган юракда бўлай,
Менинг дардкашгинам, менинг дардкашим.

ДУНЁ ҲИСОБ-КИТОБЛИДИР

Қувган билан жаҳон мулкин поёнига етолмассан.
Ундан юлиб, бундан юлиб элдан нари ўтолмассан.
Зор қақшатиб, ўзга ризқин орқалаб ҳам кетолмассан.
Дунё ҳисоб-китоблидир бергани ёдидан чиқмас,
Ғазнасидан бир дон олсанг, кўргани ёдидан чиқмас.

Танимизда яшаб турган жон ҳам дунё омонати.
Бисёр ҳаво, ноз-неъматга йўқдир зарра маломати,
Бу бетакрор ҳаётимиз мардлигининг кафолати,
Ҳар кимга ҳам дунё қадар бағрикенглик насиб этсин,
Эзгу ният йўлларида доим тенглик насиб этсин.

Ҳар жойда бор тош-тарози, ҳеч нарсани текин бермас,
Пешона тер тўкмагунча ўзи пишар экин бермас.
Олганида хафа бўлиб, дема: “Олар, лекин бермас”.
Олганию берганининг бутунию қийтими бор,
Ол қулим, деб берганида хизматларинг қайтими бор.

Минг тасанно саховатга, ҳиммат ерда қолиб кетмас,
Юракларда зиё сочган ҳурмат ерда қолиб кетмас.
Элу юртга бахш этилган хизмат ерда қолиб кетмас,
Азиз жонинг нисор этсанг, олам сенинг жонингни дер,
Ҳаётингга дуо айлаб, умринг — хонумонингни дер.

Дунё ҳисоб-китоблидир бир кун берганинг олгай.
Кимдан юртга улуғ севги, кимдан нафратли дод қолгай.
Қарзинг узмай кетар бўлсанг, уни ҳам Худога солгай.
Яхши инсон бу жаҳонга бир умр яшиқ бўлгай,
Элнинг хизматида ёниб вафоли дўст-ошиқ бўлгай.

Акциядорлик тижорат

«ПАХТАБАНК»

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари ва мижозларини, барча ҳамкасбларини республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллиги байрами билан сидқидилдан мубораквод этади! Сиз азизларга соғлиқ, оилавий бахт ҳамда мамлакатимиз гуллаб-яшнаши йўлида олиб борилаётган ислоҳотларни амалга оширишда омадлар тилаймиз!

“Пахта Банк” — фаровонлигингиз калитидир!

“Пахта Банк” кенгаши ва бошқаруви

Семинар

НОГИРОНЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМ

18-21 август кунлари Тошкентда “Чекланган имкониятли болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама реабилитация қилиш” мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Мазкур семинар “УМР” Ўзбекистон Ногирон болалар ва ўсмирларга ёрдам кўрсатиш жамоатчилик Маркази ташаббуси билан ташкиллаштирилди.

Жаҳон Банки томонидан берилган кичик грант ҳисобидан фаолият юритаётган лойиҳа асосида бўлиб ўтган халқаро семинарнинг биринчи иш кунида ўтказилган давра суҳбатида Ногиронларни ҳар тарафлама реабилитация қилиш Ассоциацияси (Чехия), Жаҳон Банки, “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси, Ногиронлар ота-оналари ва дўстлари Ассоциацияси (Чехия), Ўзбекистон Болалар жамғармаси, “УМР” жамоатчилик маркази ҳамда Ногирон болалар ва катталар спорт Клуби, Халқ таълими вазирлигининг Дифектология бошқармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вакиллари иштирок этишди. Давра суҳбатини кириш сўзи билан очган “УМР” жамоатчилик маркази бошқаруви раиси Дилбар Қурбонова семинарни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ҳамда “УМР” томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ҳақида йиғилганларга гапириб берди.



Давра суҳбатидан олдин чекланган имкониятли ўсмирлар — Павел Лопатко ва Тимур Ашировларнинг ижодий ишлари кўргазмаси бўлиб ўтди.


Чехиялик меҳмонлар — Жири Вотава (Jiri Votava) ҳамда Сюзана Капровалар (Zuzana Kaprova) мамлакатимизга ташриф буюришдан кўзда тутилган мақсад ҳақида тўхталдилар. Бу каби семинарларнинг тез-тез ўтказиб турилиши, унинг натижалари амалиётга жорий қилиниши чекланган имкониятли инсонларга ёрдам кўрсатишда муҳим омил бўлишини таъкидлашди. Шунингдек, улар ўз иш тажрибалари билан ўзбекистонлик мутахассислар ва ота-оналарни батафсил таништиришди. 4 кун давом этган халқаро семинарнинг асосий маърузачилари бўлган чехиялик меҳмонлар ногирон болаларнинг ҳуқуқлари, уларга ғамхўрлик қилишга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилиши ғоят муҳим эканлигига урғу беришди.

Юртимизнинг Қўқон, Марғилон, Андижон, Наманган, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз, Термиз, Жиззах, Чирчиқ ва Тошкент шаҳарларида истиқомат қилувчи 15 нафар ота-она ва яна шунча мутахассиснинг амалий ва назарий билимларини юксалтириш, ногиронларга ғамхўрлик қилишдай эзгу амалларидаги кўникмаларини ошириш ҳамда бу борадаги хориж тажрибасини ўргатиш семинарнинг асосий мақсади эди. Семинар бўлиб ўтгандан сўнг иштирокчилар ўз билимларини яна 150 кишига (75 ота-она ва 75 нафар мутахассис) ўргатишлари керак бўлади.

Семинар мобайнида мудом такрорландики, чекланган имкониятли болалар ва ўсмирлар билан ҳар куни, мунтазам равишда шуғулланиш керак. Бу, албатта, катта сабр талаб қилади ота-оналар ва мутахассислардан. Лекин бунга изчиллик билан амал қилиш оқибатида яхши натижаларга эришиш мумкин. Буни баъзи бир ота-оналар тажрибаси ҳам яққол исботлаб берди. Масалан, тошкентлик Лариса Фархутдинова ногирон ўғли Филипп Фархутдинов билан ҳар куни, қатъий режа асосида мунтазам равишда шуғулланган боис самарали натижаларга эришганини гапириб берди. Ҳозир Филипп велосипедда бемалол сайр қила олади, унчамунча соғлом одам бажаролмайдиган жисмоний машқлар билан шуғулланади. Шунингдек, у ўрта маълумот соҳиби ва мустақил равишда инглиз тилини ўрганиб, Англияга бориб келган. Филипп инглиз тилида бемалол ёзиб, гаплаша олади.

Семинар сўнгида иштирокчилар бу каби тадбирларнинг доимий ўтказилиши ва амалиётга изчиллик билан жорий этилиши кўнгли ўксик болалар ва ўсмирларга фақат фойда келтиришига амин бўлдилар.

Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ



Қироат

КИТОБ, БУ — БИР ДУНЁКИ...

Унда ҳикмат, истеъдод, эътиқод инсонийликнинг нозик туйғулари мужассам

— Одамлар китоб ўқимай қўйишди, — деб қолди танишларимдан бири.

— Йўқ, бўлмаган гап, — дедим.

— Нега унда кутубхоналарда сокинлик, — дея сўз қотди ёнимда бораётган бойваччароқ бир йигитча.

— Ишонгим келмайди, бу мумкин эмас, — жавоб қилдим мен ва қайта уни яна саволга тутгим келди.

— Узр, айбга буюрмай сиз-у, ўзингиз қандай янги китобларни ўқиб чиқдингиз?

— ...

— Яқинда ўқиганларингизни эслай оласизми? Лоақал номини, муаллифини?

У жим эди, кўзларини менга тикканича бир сўз ҳам демади. Нимадир айтмоқчи ҳам бўлди, аммо “Қани, йўл ҳақини тўлаворинглар”, деган ёнимда тик турган хомсемиз, қорин солган, қўпол ҳайдовчининг бўғиқ овози эътиборини тортди.

— Қўлиққача қанча бўлади?

— 1000 сўм.

Пулни санаб, чўнтагига урган шофёр йўловчига чипта ҳам бермади. У эса сўрашга журъат қилмади, индамай қўя қолди.

Китоб ўқимаган, олифта, ўз ҳақ-ҳуқуқини билмайдиган бу шеригимиз билан манзилга етгунимизча суҳбатимиз қовушмади. Ора-орада “кўкидан қалайсиз, движена зўрми, Россияга учиб кетиш керак” деган сўзлар ёнбошидаги киши билан бўлган суҳбатида қулоғимга чалиниб турди...

Китоб ўқиган, ўқиётган одам билан гаплашиб қолсангиз, маза қиласиз. Унинг дунёқараши бошқача, тафаккури кенг, билими кучли, феъл-атвори, юриш-туриши, кишилар билан ўзаро муомаласи дилингизга бир ёғду олиб киргандай бўлади. Шуларни эслайман-у, металлурглар шаҳри Бекободда — Ўзбекистон металлургия комбинати акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси тасарруфидаги кутубхона ёдимга тушаверади. Буни Тошкент вилоятида касаба уюшмаларга қарашли энг намунали маърифат масканларидан бири, десак янглишмаган бўламиз. Озодалиги, саранжом-саришта, эстетик дид ила безатилганлиги, ходимларнинг хушмуомала ва очиқ чеҳраси дарҳол эътиборингизни тортади.

Кутубхонада юқорида айтилгандек сокинлик эмас. Китобхонлар қадами узилмайди.

— “Уйқу келмас кечалар”ни ўқимоқчиман, — деб кимдир сўраб қолса, кутубхоначи:

— Бор, — деб жавоб қилади дарҳол.

— “Дайди қизнинг дафтари”чи? — дейишса:

— Марҳамат, — дебон қўлингизга тутқазади.

У ерга ташриф буюраётганлар орасида йигит-қизлар, ҳар хил ёшдаги турли касб эгаларини учратасиз.

Китобхонларнинг аксарияти металлургия комбинатида меҳнат қилишади. Улар пўлат эритувчи, прокатчи, энергетик, қурувчи, темир йўлчию созловчи-таъмирловчи, хуллас, сирланган идиштовоқларнинг энг сарасини халқимизга етказиб бераётган қиз-жувонлар. Барчалари китобхон.

— Яқинда Тошкентдан, “Шарқ зиёкори” дўконидан 800 минг сўмлик янги асарлар олиб келдик, — дейди кутубхона мудираси Дилрабо Ҳожибоева. — 15324 та китоб фондига эгамиз. Металлургларимиз китобга ошно тутинган, янгиликка ўч, маърифатли-маънавиятли кишилар.

— Комбинатнинг 1-навли прокат цехида ишлайман, — дейди Баҳодир Мақсудов ўзини таништирар экан, — кутубхонасиз, китобсиз ўтаётган кунимни сира тасаввур қилолмайман. Энг севимли жойим ҳам шу ер. Саид Аҳмаднинг “Сайланма”си, Ўткир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси”, умуман, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Тоҳир Малик ва бошқа адибларимизнинг ҳар бир асарини ўқиб, уқиб бораман. Мана бугун “Латофат” дўконидаги “қотиллик”ни олиб кетаяпман.

Металлург китобхонлар ҳаётда ўз ўринларини топиб олишган. Эгаллаган касблари ёмон эмас. Чуқур мушоҳада юрита олади, қандай мавзу бўлмасин, сиз билан баҳслашишга ҳамиша тайёр. Жамоаларда илғор, маҳаллакўйда обрў-эътиборли. Маошлари яхши. Демакки, турмушлари ҳам фаровон. Ўзимча ўйга толаман, китоб мутолаа қилиш, кўпроқ ўқиб хулоса чиқариш, ўқиш, билимини ошириб бориш, бу — мустақил ҳаётнинг ойдин йўли экан. Китоб ўқиган билан ўқимаганни юриш-туришдан, муомаласидан, икки оғиз сўзидан билиб олиш қийин эмасдек.

Содда, мулойим, хушруй бир йигит кутубхонага кириб келди. Биздан олдин салом беришга улгурди. Илиққина кўришди-да, олиб келган китобларини стол устига қўйди. Кутубхоначи билан бир-икки савол-жавоб ҳам бўлиб ўтди.

— Қаерда ишлайсиз? — сўраймиз ундан.

— Электр билан пўлат эритиш цехида печда, олов қаршисида, — деди мамнун ҳолда.

— Ишлар қалай?

— Зўр, пўлат эритамиз.

— Китоб ўқиб турасизми?

— Бўлмасам-чи.

— Вақт топар экансиз-да?

— Ҳа, кўчада бекор юришни, писта чақиб, гап сотишни, оқшомлари беҳуда сайр қилишни ёқтирмайман. Бекор бўлдик, китобга “калла ташлаймиз”. Китоб, бу — бир дунё ёруғ олам-да.

— Китоб, бу — бахтли, фаровон дунё, денг.

— Ҳа, шундай, нимасини айтасиз. Яхши асар бўлса, уйқу ҳам келмайди, мириқиб, мазза қилиб ўқиб чиқаман. Шундан сўнг ўзимни жуда енгил сезаман. Сменада ҳам ғайрат билан ишлагим келади. Китоб ўқиш бизга теккан бир “касаллик”.

— Маошлар қандай?

— 100 минг, баъзи ойлари ундан ошириб иш ҳақи оламиз.

— Нималардан қувонасиз?

— Ўзбекистонда яшаётганимдан, тинч ва осуда ҳаётдан, пўлат эритаётганимдан, китоб ўқиётганимдан қувонаман. Шунинг ўзи бир бахт, — дейди Анвар Зинатуллин.

— Комбинат касаба уюшма қўмитаси ҳамиша бизга амалий ёрдамларини аямайди, — дея суҳбатни давом эттиради Дилрабо Ҳожибоева, — китоб фондимиз йилига ошиб бормоқда. 900 га яқин янги бадиий адабиётлар келтирдик. 1100 нафар китобхонларимиз билан кечалар, кўрик-танловлар, учрашувлар, баҳс ва мунозаралар ўтказиб борамиз. Оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар юқори савияда уюштирилади. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп. Ҳозирги кунда кутубхоначилар ташвиши янада ортган. Паркент туманидаги “Орзу” болалар оромгоҳида дам олишаётган металлурглар фарзандларига зиё улашиш мақсадида анча китобларни олиб, бирилари у ерга жўнашган. Комбинат цех ва бўлинмалари касаба уюшма қўмиталари билан ҳамкорликда истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонаси, профилакторийда, 2-навли прокат цехларида кўчма кутубхоналар ташкил этишди. Бунда кутубхоначи М. Усмонованинг ҳам алоҳида хизмати бўлаётир.

Китоб, бу — ёруғ бир олам, ўзгача бир дунё экан. Ана шу дунёнинг неъматларини тотиб кўрмоқ, ўша оламнинг тоза ҳавосидан нафас олмоқлик эса ҳар қандай инсонни ҳамиша ойдин йўлга, нурли манзилларга олиб чиқишига ишончимиз комил. Халқимизга зиё улашиб, табаррук жой бўлмиш маърифат масканида садоқат ила хизмат қилишаётган ана шундай олижаноб касб эгалари бор экан, китобхонларимизнинг ҳам йўллари ҳамиша ойдин, манзиллари нурли, ҳаётлари доимо фаровон бўлиб бораверади.

Турсунали УСМОНОВ

Фарғона вилояти
Ўзбекистон туманининг
С. Азизов номли ширкат
хўжалиги жамоаси
Ватанимиз
Мустақиллигининг 12
йиллик тўйи билан барча-
барчани чин дилдан
қутлайди. Ва фурсатдан
фойдаланиб,
деҳқонларимизнинг
ишларига Яратгандан қут-
барака тилайди.

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN
Ёруғ йўллар ёруғ
манзилларга элтади
Мустақилликнинг
12 йиллиги
муборак бўлсин!
Британ Американ Тобакко
Ўзбекистон

Осмон бепоён денгиз.
Ўзбекистон ёруғ манзил
томон сузиб бораётган
улкан кема. Ана шу ёруғ
манзилнинг узоқ ва
машаққатли йўлида барча
юртдошларимизга омад ва
қувонч ёр бўлишини
тилаймиз.
Фарғона вилояти Данғара туманининг
Х. Худойбердиев номли ширкат хўжалиги жамоаси

Mustaqil gazeta
HURRIYAT

Қадрият



РАЖАБ ОЙИ МУБОРАК!

Ҳар йили аҳли мусулмон Уч муборак ойни (Ражаб, Шаъбон, Рамазон) юрак тўла қувонч билан кутиб олади. Ушбу хосиятли ойлар ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг махсус дуолари ҳам бор. Яъни Ҳазрати Расули Акрам (с.а.в.) Ражаби шариф ойи кирганида: **"Аллоҳим! Ражаб ва Шаъбонни бизлар учун муборак қил ва бизларни Рамазонга етказ"**, дея такрор-такрор дуо қилар эканлар. Бунинг қатида биз билган, билмаган не-не сир-синоатлар, ҳикматлар мавжудки, ушбу ойларни ҳурмат қилиб, гўзал амаллар билан ўтказган инсонларгина воқиф бўлиши шубҳасиз. Масалан, ўтган аждодларимиздан бундай нақл қолган: "Йил дарахтга ўхшайди. Ражаб ойи дарахтнинг япроқли кунларига, Шаъбон дарахтнинг мева туккан пайтларига, Рамазон эса ана шу мевалар нинг йиғиб олинадиган пайтига ўхшайди". Абдулқодир Гийлоний ҳазратлари: "... Ражаб — ибодат ойидир. Шаъбон дунё сафосини тарк қилганлар ойи бўлса, Рамазон ибодатларнинг мукофотини орттирувчи ой. Ражабда қилинган савобларнинг мукофотини Аллоҳ таоло бир неча баробар қилади. Шаъбон ойида эса гуноҳлар авф қилинади. Рамазонда кароматлар — илоҳий икромлар умид қилинади", дейдилар.

29 августдан бошлаб Ражаб ойи ташриф буюрадилар. Ражаби шариф "ҳаром ойлар"дан бўлиб, Шаҳруллоҳ, яъни Аллоҳнинг ойидир. Бу ойни рўзадор ҳолда кутиб олиш ва Аллоҳга кўп илтижолар қилиш, Зоти Илоҳийнинг маъносини англатувчи Ихлос сурасини кўп ўқиш, шу жумладан, бу ойга ҳурмат билдириш сифатида кунига 11 марта Ихлоси шариф, тавҳид, истиғфор ва саловоти шарифалар айтишни ҳам тарк этмаслик кераклиги уқтирилади. Ражаб ойининг 1-кечасини иҳё қилиш (тоат-ибодат билан ўтказиш) мутлубдир. Чунки бу кеча дуолар қабул бўладиган кеча бўлиб, ҳазрати Али (р.а.) ва бошқа салафлар ҳам бунга доимо амал қилганлар. Мазкур ойнинг 13, 14 ва 15-кунларида рўза тутганлар эса бу суннатни адо қилганликлари учун қанчадан-қанча хасталикларига шифо топадилар.

Ибн Аббос (р.а.) Расули Акрам (с.а.в.)дан ривоят қиладилар: "Ражаб ойининг биринчи куни рўзаси уч йиллик гуноҳлар каффоратидир. Иккинчи куни рўзаси икки йиллик гуноҳлар каффорати бўлади. Ражаб ойининг учинчи куни рўзаси бир йиллик гуноҳлар каффоратидир. Ражаб ойининг бошқа кунларидаги рўзадорликнинг ҳар бир куни бир ойлик гуноҳлар каффорати бўлади ("Жомиъул-сағир").

Абу Ҳурайра (р.а.) Расулуллоҳ (с.а.в.)дан бундай ривоят қиладилар: "Рамазон ойидан бошқа ҳеч қандай рўза савоби Ражаб ва Шаъбон ойининг рўзасининг савоби билан тенглаша олмайди. Жаннатда бир ариқ бор бўлиб, унинг номи ҳам Ражабдир. Ундаги сув қордан оқ ва асалдан ширинроқдир. Ражаб ойининг рўзадорларини Аллоҳ таборак ва таоло ана шу ариқдан сероб қилади".

Бу ойда 2 та муборак кеча бор. 1) Илк Жума кечаси — Рағойиб кечаси; 2) 27-кеча — Меърож кечаси. Бу кечаларда ҳам қилинадиган махсус ибодатлар мавжуд бўлиб, манбаларда келтирилган. Гап рўза тутиш, ёхуд бошқа амалларни номигагина қилиш ҳақида эмас, балки ихлос билан ёлғиз Аллоҳ ризосини истаб қилинган ҳар қандай ибодатдангина киши файз ва баракотдан баҳраманд бўлиши кўзда тутилади.

Ушбу муборак ой ва кечалар Парвардигорнинг биз бандаларига инъом этган улуғ неъматидир. Чунки мазкур ойларда бошқа ойларга нисбатан диққатимизни кўпроқ чиройли амаллар қилиб, қалбимизни поклашга қаратамиз. Қалб поклиги эса маънавий оламнинг бойишига, қолаверса, инсонни Жаноби Ҳаққа янада яқин бўлишига олиб келади.

Бу муборак ой шарофатидан барчамизни Пайғамбаримиз (с.а.в.) ахлоқлари билан хулқлантиришини ҳамда Ўзи севган ва рози бўлган қулларидан айлашини Яратгандан сўраб қоламиз.

Лола НАСРУЛЛОҲ

Театр

«ОАВнинг ЁРДАМИГА МУҲТОЖМИЗ»

Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрамига саноқли кунлар қолди. Бутун халқимиз орзиқиб кутаётган ушбу қутлуғ тўй арафасида кенг миқёсдаги тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳар бир одамдан тортиб катта ташкилотгача муносиб тўёна тайёрлаш тараддудида. Бу мустақилликнинг ўзбек халқи тақдири ва келажагига мустаҳкам пойдевор қўйганини англаганимиздан. Қадр-қимматини билганимиздан.

"Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Республика Театр ижодкорлари уюшмасининг раиси Омонулла РИЗАЕВ билан суҳбатимиз ҳам истиқлол берган беқиёс имкониятлар хусусида бўлди.

— Омонулла Зуфарович, мустақиллик театр санъатига нималар берди?

— Бу йил Президентимизнинг "Ўзбекистон театр санъатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони эълон қилинганлигига беш йил тўлади. У ўзбек театр санъати йўналиши ва фаолиятини белгилаб берган дастур бўлди. Ушбу Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ташкил этилган "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда унинг тасарруфидаги 37 та давлат театр жамоалари мамлакатимизда олиб борилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларда қатнашиб, муносиб ўрин эгаллашга интилиб келмоқда. "Наврўз", "Андижон баҳори", "Ҳумо", "Мустақиллик тимсоли", "Ниҳол", "Сарҳисоб" каби фестивалларда ва кўрик-танловлар ўтказилиши ана шу йўлдаги дастлабки қадамлардир. Баъзи театр жамоалари ҳатто хорижий давлатлардаги нуфузли анжуман ва фестивалларда ҳам муваффақиятли иштирок этиш имкониятини қўлга киритди.

Мустақиллик даврида бир қанча янги асарлар саҳналаштирилди. Драматургия соҳасида янги номлар пайдо бўлди, қатор режиссёр-у актёрлар элга танилиб, ҳукуматимизнинг олий мукофотига сазовор бўлдилар. Театрларнинг моддий-техник базаси бир мунча мустаҳкамланди. Ўзбек Миллий академик драма, республика академик рус драма театрлари бинолари тубдан янгиланди. Алишер Навоий номидаги давлат академик, Ёшлар, Андижон, Наманган, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятлари, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон мусиқали театр бинолари таъмирдан чиқди. Сурхондарёда янги кўғирчоқ театри ташкил этилиб, қайтадан таъмирланган бинога жойлаштирилди. Театрларнинг аксарияти овоз кучайтиргич, саҳна ёритгичлари, компьютерлар билан таъминланди. Маданият ишлари вазирлиги ташаббуси билан барча театрларга янги автобуслар ажратилиши жамоалар ижодий имкониятини янада кенгайтирди.

XXI аср XX асрдан, айниқса, маданият, адабиёт ва санъат соҳасида жиддий фарқ қилади. Агар ўтган аср ўзининг бир неча йиллик анъаналарига эга бўлган ўзбек халқ томоша санъатининг Европа типидаги янги шаклига кириш жараёни билан бошланган бўлса, бугун биз шаклланган, тараққий этган, ҳатто дунё миқёсида тан олинган замонавий профессионал театр санъатига эгамиз. Илгарилари ишлатиб келинган "Европа типидаги театр" ибораси иҳозирда "Замонавий миллий театр" тушунчаси билан тобора уйғунлашиб бормоқда.

Биз янги аср, янги дунёқараш, янги давр янги имкониятларнинг бошланғич нуқтасида турибмиз. Уларнинг ҳаммаси театр санъатига ҳам ташкилий, ҳам ижодий, ҳам иқтисодий жиҳатдан бутунлай янгича муносабатларни талаб қилади. Бугунги кунда айнан мазкур муносабатлар механизмининг шаклланиш жараёни, йўллари, усуллари хусусида янада жиддийроқ мулоҳаза юритиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эҳтиёж сезилмоқда.

Албатта, Фармон ва ҳукумат қарорлари асосида кенг қамровли ишлар давом этмоқда. Энг аввало, ҳар бир театр фаолиятини фақат унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда, алоҳида-алоҳида ўрганиш йўлидан борилмоқда. Бунда таҳлил қилиш, ташхис қўйиш, шу асосда хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш назарда тутилади.

Лойиҳа асосида саҳна асари яратишдаги дастлабки уринишлар ҳам истиқлол йилларида бошланди. Унинг афзаллик томони шундаки, асарларни театр жамоаси ўзи танлайди, сўнг "Ўзбектеатр"га тақдим этади. Биз уларни кўрик-танлов асосида саралаймиз ва барча сарф-харажатларни олдиндан тўлаймиз. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театрида "Халқаро терроризм, гиёҳвандлик ҳамда жиноятчиликка қарши кураш" лойиҳаси асосида маҳаллий драматург Муҳаммад Бобоев қаламига мансуб "Ўлим ҳалқаси" асари саҳналаштирилди. Асар ниҳоятда долзарб, замонавий мавзуда бўлиб, унда Сариосиё ва Узун туманларига бостириб кирган ватанфурушларга қарши кураш ўз аксини топган.

— Айтинг-чи, бугун театр санъати тараққиётига ҳукумат томонидан жиддий аҳамият берилаётган экан, ана шу эътиборга муносиблик қай даражада?

— Театр санъати — жамият кўзгуси. Ҳаётдаги энг ижобий ва энг салбий воқеалар шу санъат орқали ифодаланади. Томошабинга тез етиб боради. Театр санъатида ижобий воқеликни тараннум этган асарлар томошабинни эзгуликка, яхшиликка ундаса, салбий ҳодисаларни танқид қилувчи асарлар огоҳликка чақиради, бефарқликдан сақлайди.

Ўтган йиллар мобайнида ўзбек театр санъати маълум бир изга тушиб олди. Дунё цивилизациясига ҳисса қўшган буюк аждодларимиз образини саҳнада кўрсатишга кенг йўл очилди. Аждодларимиз ким бўлган? деган саволга жавоб тариқасида Амир Темур, Улуғбек, Навоий, Ал-Фарғоний, Бобур, Чўлпон, Фитрат, Қодирий образлари яратилди. Энди ана шу буюк аждодларнинг ворислари ким? деган савол кўндаланг бўлди. Албатта, бугунги мустақил давлатнинг фидойи бунёдкорлари-да! Шу тариқа театр санъатида аждодлар ва авлодлар йўналиши пайдо бўлди.

Театр санъати ишини яхшилаш чора-тадбирлари янада кучайтирилди. Чунончи, "Ўзбектеатр" томонидан тузилган етакчи мутахассис ва театршунос олимлардан иборат гуруҳ Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўлиб, театрларнинг ижодий қиёфаси билан яқиндан танишдилар. Жойларда спектакллар кўрилди, мулоқотлар ўтказилди. Кўпгина театрлар ўз ижодий имкониятлари яхши эканлигини кўрсата олдилар. Режиссёрлар барқарор бўлган театрларда ижодий муҳит бир қадар ижобий кўринади. Шу ўринда театрларнинг истиқболи кўп жиҳатдан замонавий фикрлайдиган, ишбилармон, тадбиркор, чинакам ижодкор раҳбарларга боғлиқ эканлигини ҳам назардан четда қолдирмаслигимиз керак.

Жорий йилнинг 21-26 апрел кунлари Наманган шаҳрида "Йигирма биринчи аср ўзбек театри: режиссёрлик ва актёрлик санъати истиқболлари" мавзуида республика семинари ўтказилди. "Ўзбектеатр" буюртмасига асосан Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти профессори М. Бекмуродов бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассисларнинг "Ўзбекистонда театр санъатининг бугунги ҳолати ва истиқболи"ни ўрганишга бағишланган социологик тадқиқот натижалари ҳам қизиқарли. Сўралганларнинг кўпчилиги театр санъати маънавий-маърифий тарбияда ўта муҳим эканлигини таъкидлашган. Республикада театр санъатини кенг ривожлантириш мақсадида мазкур санъат тармоғини мактабгача ва ўрта таълим муассасаларидан бошлаб режали, махсус ва тизимли тарзда амалга ошириб бориш лозимлиги тўғрисида таклифлар билдирилган. Шунингдек, Халқ таълими вазирлигига мактаб факультатив машғулотлар жорий этилиши бўйича тавсиялар берилмоғи, ёшларнинг бадиий-эстетик дидини узлуксиз ошириб бориш дастурларини ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги таклифлар ҳам ғоятда муҳим.

— Замонамиз қаҳрамонлари сиймосини саҳнада акс эттириш қандай кечмоқда?

— Бугунги кунда тарихий асарлар билан бир қаторда замонамиз қаҳрамонлари акс эттирилган асарларни саҳнага олиб чиқиш ҳаракатлари жонланиб бораётир. Бу борада Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда драматурглар семинар-кенгашлари, давра суҳбатлари ва турли мулоқотлар уюштирилмоқда. Шунингдек, Бастакорлар уюшмаси ва Бадиий академия ҳам бизга яқиндан ёрдам бермоқда. Ўзбек Миллий академик, Хоразм, Андижон вилоятлари ва Каттақўрғон шаҳар драма театрларида саҳналаштирилган "Бир қадам йўл", "Гулиравза", "Оғу сиртмоғида", "Армон" каби спектакларда замонамиз қаҳрамонлари бўй кўрсатди. Булардан ташқари, Истиқлолнинг 12 йиллигига бағишланган қатор саҳна асарлари яратилдики, уларда Ватанни, эл-юртни севиш, унинг равнақи учун меҳнат қилиш улуғланади. Муқимий номли мусиқий, Андижон ва Жиззах драма театрларининг "Осмоннинг бағри кенг", "Оқибат", "Онажоним, онажон" спектакллари фикримизнинг исботидир. Ушбу рўйхатга республика ва Андижон Кўғирчоқ театрларининг "Карвон йўллари", "Бахт қуши" спектакларини ҳам қўшиш мумкин. Қолган театрларда ҳам биттадан янги асар навбат кутиб турибди.

— Иш бор жойда...

— Албатта. Оқсаётган томонимиздан бири тайёр маҳсулотни томошабинга етказишда қийналамиз. Бу борада оммавий ахборот воситалари вакиллари ёрдамга муҳтожлик сезмоқдамиз. Янги театр мавсумидан бошлаб театрлар ижодий қиёфасини ўрганиш ва улар фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида мутахассислар гуруҳини вилоятларга юборишни режалаштирганмиз. Улар орасида журналистлар бўлишини ҳам хоҳлардик. Чунки томошабин учун хизмат қилувчи актёрга ўз меҳнати кенг халқ оммасига етиб боришидан ортиқроқ қувонч йўқ.

Энг муҳими, бизда театрлар бор, иқтидорли санъаткорлар саҳналарда ёрқин сиймолар яратишга муштоқ, зукко, талабчан томошабинлар мавжуд. Фақат уларни биргаликда замон талабларига мос ижодий жараён сари йўналтириш керак, холос. "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ана шу мақсад йўлида хизмат қилаверади.

Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА суҳбатлашди



Тошни ёриб чиққан дарахт (туғдона).
Ш. Иброҳимов олган сурат

Илҳом

ИШҚ

Шоира ФАРЗОНАга

Қалбимда сиғмагай Ишқнинг шиддати,
Вазнларга сиғмас ишқий оятлар.
Наҳот куйган билан Васлга етмас
Руҳи ишққа ташна минг Иноятлар.
Она!
Ташна руҳим нега интилгай,
Менга сиғмай қолди ахир дунёси?
Мен кимга ёлборай, кимга сиғинай,
Вужудимни алдаб турса рўё, сир?
Дарбозангни очгил, эй Ишқ!
Мана Мен!
Кўзимда ишқ эмас, Ишқнинг жоласи!
Дарбозангни очгил, эй Ишқ!
Лабларим ёнар — Руҳимнинг ноласи!
Қани мен интилган ўшал баланд Арш?
Қани сўзларимга тўкилган хазон?
Қани мени дея қурилган Фирдавс,
Қани куйларимдан куйган у армон?
Она!
Шеърларимга сиғмай қолаяпман,
Шоҳ кўнглим ненидир истар билмам, не?
Кўнглимнинг тубини ёндирган куйлар
Кўкка оҳи етиб чорлар: менга кел!
Бу недир жавоб бер, онажонгинам!
Нега куйларимда хазон куюги,
Ахир мен эдим-ку эркатой боланг,
Ахир мен эдим-ку Ёрнинг суюги?!
Минг бир кеча эртак айтар Шаҳризод,
Минг бир ишқий сурат солар Шаҳризод.
Менинг ишққа ташна кўнглим қаҳридан
Минг битта дод чиқар, минг битта фарёд:
Мен келдим, ташналаб, саргашта сайёҳ
Мен келдим, кўнглида садпора минг оҳ.
Дарбозангни очгил, дарбозангни оч!
Эй ишқ!
Ёндир!
Ёнай бугун майли Аршни ёндириб,
Вужудим ёндириб етайин Сенга.
Фақат ўтинаман, дарбозангни оч,
Маним ташрифимдан чеккин—а фарёд.
Дарбозангни очгил,
Онажоним ИШҚ!
Бахтсиз бўлмоқ қисматмас, Қайғу,
Оҳларидан тўкилади Бахт.
Саҳармардон тушаман йўлга,
Чорлайверар яна бахти сахт.

Савти баланд баҳорий сабо,
Найсоний шамс — найсоний наво.
Кўнглингизга яширинг мени,
Сизни суймоқ — сабуҳий мино.
Кеча гизли. Кеча дилолуд.

Яшил дунё — яшил хаёллар,
Бағримдадир яшил саболар,
Мени яшил оламга берган
Сиздан кечар яшил маъволар.
Кеча дилгир, эртан сиёҳрў.

* * *

Эртакчи орзуим қасрида борсан,
Борсан хаёлларим мамлакатида.
Султонсан, малаксан, сен шаҳриёрсан,
Шаффоф тилакларим салтанатида.

Шаҳзодим, матлубим, маҳбуби дилим,
Энг ёруғ юлдуздай тунимга ёрсан.
Қалбимда очилган, эй тоза гулим,
Ҳаттто ёстиғимда, ашкимда борсан.

Умримнинг ўйлари қисқариб кетди,
Сенга, сенга томон интилди ёшим.
Вужуд қопқасида — ўттиз икки ёш,
Васлга звездир бори бардошим.
Шаффоф орзуларим юртида борсан...

* * *

Гулларнинг барғига тақилган ифор,
Қуёшнинг ҳукмига бўйсунган анвор,
Осийлар бағридан қувилган аҳрор —
Мен сизни соғиндим.

Теграсида дайдибадал шамоллар,
Шафағида қоним ичган хаёллар,
Кўксимни нишонга олган камоллар —
Мен сизни соғиндим.

Ҳой, булут, тўкарсан бошима найсон,
Сен ҳам машшоқми ё мутриби найсан,
Кўнглима куй чалган, Ҳотами тойсан —
Мен куйни соғиндим.

Бир кўнгил — чиннидан озодароқ Дил,
Бир армон — орзудан гўзал, сулув тул,
Бир забон — ростликка, кўнгилга-да қул —
Мен сизни соғиндим.

Мунаввара ОЙМАТОВА

ЁЛҒИЗЛИКДА

Совуқ тош — эримас музликлар сири,
Қаҳратон зимнида ўқиган афсун.
Бўғзимга пичоғин қадаган жимлик,
Ичимда оловдан ўт олган жунун
Рақс тушар.

Юлдузлар минг битта нигоҳга дўниб,
Бечора Ой ҳолин этар масхара.
Қоқиниб, суриниб, йўл излайверар,
Бадр бўлиб тун бағрида тасқара,
Садр тушар.

Шамоллар чақирган азондай нохуш,
Барглари заминга тўкилган беҳуш,
Зимистон қаърига чўкиб бораётган
Дарахтлар дили марг, қаландар беҳуш
Рақс тушар.

Бўғзимни излаган фарёди қосир
Измидан товушлар кўксимда доддир.
Тоғлар оҳларимдан хокистар бўлгай,
Бошимга эгилган зулумот дордир,
Садр тушар.
Кеча гизли. Кеча хунолуд.
Бугун дилгир. Ўйим шаболуд.
Сизни суймоқ, соғинмоқ бахтдир,
Сизни десам ичдан чиқар дуд.
Кеча гизли. Кеча хунолуд.

Voice of America

Америка овози

- *Дунё хабарлари*
- *Америка ҳаётидан лавҳалар*
- *Қўшма Штатлар сиёсати, иқтисоди, маданияти ва маърифатининг турли қирраларини акс эттирган маълумотлар*
- *Америка ва дунё жамоатчилигини боғловчи қадриятлар*
- *АҚШ ва Марказий Осиё муносабатлари*
- *Вашингтон-Тошкент алоқалари*
- *Демократия ва инсон ҳуқуқлари борасидаги жараёнлар*
- *Терроризмга қарши кураш босқичлари*
- *Дунёдаги долзарб воқеаларга Вашингтондан назар*

Буларнинг ҳаммаси "Америка овози" радиосининг ўзбек тилида ҳавога узатиладиган дастурларида

Эшиттиришларимиз ҳар куни алоҳида-алоҳида дастурлар ҳолида Тошкент вақти билан 17.30-18.00 ва 20.00-20.30 оралиғида эфирга узатилади.

«Америка овози»

радиосини қисқа тўлқин — УКВ
17.30-18.00 да 15470, 17555, 17730 kHzда 19 ва 16 метрларда;
20.00-20.30 да 7295, 9745, 15255 kHzда 41, 31 ва 19,
шунингдек, Душанбе атрофида ўрта тўлқин 1143 килогерцда ва Ўш минтақасида FM 103,2 метрларда тинглаш мумкин.

VOA

МУРОЖААТ УЧУН
VOA UZBEK SERVICE Independence Avenue SW, Room # 2141, Washington, DC 20237, USA
Tel: (202)6197566, (202)6190368, fax: (202)2603498, (202)6190368
uzbek@voanews.com

Mustaqil gazeta HURRIYAT
Ўзингни англаб ет!

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ

Таҳрир ҳайъати: Турсунали АКБАРОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

«Hurriyat» kompyuter markazida Jamshed TOG'AEV tomonidan sahifalandi.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот ва ахборот агентлигида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уй. Тел-факс: 41-49-91, Тел: 41-52-72, 144-25-06.

Индекс:
Якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: **Муҳиддин АБДУРАСУЛОВ**

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00
Буюртма — Г - 515

Ⓡ — тижорат белгиси.

Адади: 3047

Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.